

ПАРТИЯ, ҲУКУМАТ, ВАТАН

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЁТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ,
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 232 (2523).

26 ноябрь, сешанба, 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.



ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

Ўзбекистон ССР Тошкент областининг колхозчилари,
совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги
мутахассислари, барча меҳнаткашларига

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Со-
вети қониқиш билан қайд қиладиларки, Тошкент облас-
тининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга пахта
сотиш планини муваффақиятли бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 319 минг тонна пахта топши-
рилди, бу 1962 йилнинг бутун давомида тайёрланганига
қараганда 37 минг тонна кўпдир. Пахтанинг 80 процент-
га яқини биринчи сортларга қабул қилинди. Оққўрғон
ва Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаларининг
пахтакорлари пахта тайёрлаш планини муддатидан ил-
гари бажариш ва давлатга пландан ташқари 12 минг
тоннадан кўпроқ пахта сотиш билан катта муваффақия-
тини қўлга киритдилар.

Область колхозлари ва совхозлари давлатга дон,
сабзавот, каноп, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари сотиш юзасидан олган мажбуриятларини
ҳам бажардилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар
Совети Тошкент областининг колхозчилари, совхоз иш-
чилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассис-
ларини, ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимла-
рини, партия, совет, комсомол ва касаба союз ташки-
лотларининг ходимларини, барча меҳнаткашларини
катта меҳнат ғалабаси билан табриқлайдилар ва ишо-
надиларки, область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари
давлатга пландан ташқари камида 5 минг тонна пахта
сотиш юзасидан олган мажбуриятларини бажаради-
лар ва пахта, дон, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қиш-
лоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кў-
пайтиришга эришадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

ССР ИТТИФОКИ
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Т О Ш К Е Н Т

ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАЙМИЗ

Тошкент область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг митинги

Элимизда, жонанон пойтахти-
миёда улкан тантанга, меҳнат за-
фарлари, гайрат-шижоат ғалабаси
тантана қилипти. Республика-
миз пахтакорлари жонанон партия,
она-Ватанга 3 миллион 600
минг тоннадан ортиқ дурдона ар-
муғон этиб, аҳднинг устидан чи-
қишти. Шу катта карвон қатори-
да, ғойилар сафида тошкентлик-
лар зафар байроғини баланд кўта-
риб маррага этиб келдилар. Кеча
пойтахтдаги Алишер Навоий ном-
ли театр биносида ғойилар шо-
дана, меҳнат мадҳияси тиллар-
да жанрланди.

Театрнинг улғувор муҳташам
биноси одатдан ташқари кўркам
ва беҳад чароғон эди.

Бу ерга иккунчи меҳнат аҳдла-
ри дала шунқорлари, мард бўлиб
майдонда жавлон урганлар, ғала-
ба учун курашган кишилар сафа-
торлиб келаяпти. Уларнинг саратон
офтобида гоблинган юзларидан та-
бассум аримайди. Чақнаб турган
кўзларидан кўнглилари олам-олам
кувончларга тўлганлиги яққол се-
зилиб турибди.

Ана ҳаммани қойиб қолдирган,
кўпчилигининг исзат-ҳурматида са-

зовор бўлган, пешқадам оққўр-
ғонликлар ғойибона қадам ташлаб
залга кириб келмоқдалар. Олтмиш
олти ярим минг тонналик гигант
хирмон кўтарган азаматлар шулар-
да. Ҳақонийлик ҳам шараф бил-
дан адо этган, ҳосилдорликни ўт-
ган йилга нисбатан ўн центнердан
оширганлар ҳам шулар. Улар бил-
дан бир сафда залга юқоричи-
чиқликлар, уртачиқчиқликлар, бў-
калик ғойиб пахтакорлар ҳам ки-
риб келаядилар.

Зал кудратли техниканинг
напиганлари, пахтани граммлаб
эмас, тонналаб тарақлиган маш-
ҳур Омон Аметчи, Мансур Армо-
нов, Аҳмед Алибек, Ридван Чки,
Василий Виборов, Мария Ковале-
ва, Турсунбой Охунова, Саодат Гу-
лаҳмедова, Турсунбой Раимова,
Озода Маматова, Нолля Ялларо-
ва, Любов Толстух, Шавқия Саид-
мустафоева сингари ажойиб ме-
ханик-ҳайдовчилар билан тўла
бошлайди.

Бутун қолақ хўжаликларини оли-
жаноб меҳнатлари, ташкилотчи-
ликлари билан илғорлар даража-
сига кўтаролган колхоз раисла-

рини, совхоз директорларини ғойи-
либлар қаторида кўриш яна ҳам
кувончли, яна ҳам авайди.

Президиумда ғойилар ғойиб,
уста пахтакорлар, Социалистик
Меҳнат Қаҳрамонлари, республика
ҳамда область партия, совет
ва хўжалик ташкилотларининг
раҳбар ходимлари ўтирибди.
Қишлоқ область партия комитети-
нинг биринчи секретари ўртоқ
М. Абдуразоқов қисқача нутқ
сўзлаб, митингнинг очади.

Бутун биёда катта ва шодана
байрам,— дейди ўртоқ М. Абдура-
зоқов.— КПСС Марказий Комитети
ва СССР Министрлар Совети-
нинг таърих хатида, СССР халқ-
ларининг қардошлик оиласида
Ўзбекистон коммунизм қурилиши-
нинг улғувор планларини амалга
ошириш учун курашда яхши на-
муна кўрсатди, деб айтилган юрак
сўзлари ҳар биримизнинг қалби-
мизни тўқилантириб юборди.

Республикамизнинг шонли меҳ-
наткашлари она-Ватанга 3 мил-
лион 570 минг тоннадан зиёд «оқ
олтин» етказиб бердилар. Бу
жузда катта ва улкан ғалабадир.
Бу ажойиб ғалабани қўлга ки-

риштига пойтахт областининг пахта-
корлари ҳам муносиб ҳисса
қўшдилар. Колхоз ва совхозлар
пахта тайёрлаш давлат планини
муддатидан илгари бажардилар.
Шу бугунгача областимизда дав-
латга 320 минг тоннадан ортиқ
«оқ олтин» сотилди. Областимиз
ҳеч қачон бунчалик кўп пахта
тайёрламаган эди.

Шуни айтиш керакки, табиат
ҳамма вақт ҳам танглик қилавер-
мади. Булиб ўтган ҳар қандай
сел, кучли ёмғир ҳам, дўл
ҳам, эрта тушган совуқ ҳам қиш-
лоқ хўжалик меҳнаткашларимиз-
нинг иродасини ва уларнинг гай-
ратини сира ҳам бука олмади.
Пахтакорларимиз меҳнатда омили-
сиз қаҳрамонлик кўрсатдилар.
Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари
социалистик мажбуриятларини ба-
жариш йўлида дуч келган қийин-
чиликларини енгишда ҳамма вақт
Коммунистик партия, Совет хуку-
мати, шахсан ўртоқ Никита Сер-
геевич Хрущевнинг оталарча ғам-
хўрағидан рўзданиб турдилар.
Областимиз пахтакорлари бу ота-
ларча ғамхўрлик учун жонанон

(Давоми иккинчи бетда).



ПАХТАКОРЛАРИНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

